



ФАРҒОНАНИНГ ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ



Хайрулло БОЗОРОВ,
Фарғона вилояти ҳокими

Кейинги йилларда вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда кескин юксалиш сари юз тутди. Ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида, турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришларни яққол кўриб, ҳис этиб турибди. Бунинг асосий омилларидан бири, шубҳасиз, фарғоналикларнинг меҳнаткашлиги, ташаббускорлигидир. Вилоятимиз ахли истиқлол-имизнинг 34 йиллик байрамини ўзгача шукҳ, катта меҳнат муваффақиятлари билан қутиб олаётгани қувончлидир.

Яқин тарихда ҳам дунё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инвестициявий алоқалар географияси тор, хорижий ва қўшма корхоналар сони кам эди. Эндиликда, мамлакатимиз, жумладан, Фарғона вилоятининг инвестицион жозибадорлиги ошиб, дунё сармоядорларини ўзига жалб этмоқда. Ҳудудларга хорижий инвестицияларни олиб кириш, фаол ўзлаштириш, қўлаб чет эл корхоналарини ишга тушириш, халқаро андозалар даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг кўпайиши ҳисобида иқтисодиётимиз тараққий этиб бормоқда. Бу эса юқори даромадли иш ўринлари сонининг кўпайиши, камбағалликни кескин қисқартириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва пировард натижада одамларга муносиб турмуш шароитларини яратиш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg'ona" nomi bilan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta ★★★★★ 2025-yil 29-avgust, juma

№35
(25007)

Farg'ona haqiqati



Юртдошларимиз оила аъзоларини қутлаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САҢЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ҲИССА ҚўШГАН БИР ГУРУҲ МАРҲУМ ОЛИМ ВА ИЖОДКОРЛАР ДАВЛАТИМИЗНИНГ ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ.

Жумладан, Фарғонада умргузаронлик қилиб, ёрқин ва бетакор истеъдоди билан миллий маънавиятимизни бойитишга, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, сермазмун ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан эл-юрт хотирасидан чуқур жой эгаллаган Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда **Тўхтасинов Маъмуржон Салимжонович** "Фидокорона хизматлари учун", Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда **Мадалиев Охунжон Нусратович** ва Ўзбекистон Республикаси халқ шоири **Обитжонов Анваржон (Анвар Обиджон)** "Меҳнат шухрати" орденлари билан тақдирландилар.

Мустақиллик объекти



"ЁШЛАР МАРКАЗИ" ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда ёшлар жамиятнинг энг муҳим ва истиқболли қатлами сифатида эътибор марказида турибди. Бугунги ислохотлар жараёнида уларнинг билимли, соғлом, юксак маънавиятли ва замонавий дунёқарашга эга шахслар бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилмоқда.

Фарғона шаҳрида очилган "Ёшлар маркази" ҳам шу йўлдаги муносиб қадам бўлди, дейиш мумкин. Тантанавий сузга чиққан Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ёшлар IT ва инновацион услубларга асосланган ҳолда ўқиш, касб-хунар ўрганиши замон талаби экани ва янги қурилган "Ёшлар маркази" ана шу талабларга жавоб берадиган маскандир, деди.

Суз олган фəхрий ва ёшларнинг вəкиллари Ўзбекистон кəлажаги муносиб авлодлар қўлида эканини ва бу марказ ёшларнинг энг сезимли жойи бўлиб қолишини таъкидлашди.

"Ёшлар маркази" эшикларини очди. Бу ерда болалар ва ёшлар ҳар тарафлама билим ва кўнжма орттириш учун барча шароит яратилган эди. Компьютер хоналари, интеллектуал билим мусобақалари майдони, кинотеатр, спорт, анжуманлар заллари ва баҳс-мунозара учун дəвра, қўйингки, истак ва иқтидор нəмөн бўлиши учун зарур ҳар қандай имконият мавжуд. Ҳар бир йўналишда тажрибали мурabбийлар ёшлар билан шўғулланади.

Марказда шу кўниёқ биринчи оммавий тадбир ҳам ўтказилди. Фарғона шаҳар ҳоқимлиги 200 нафар кам таъминланган ва ёш оила фарзандлари учун хатна тўйи қилиб берди. Дастурхон ёзилиб, уларнинг оилалари ва маҳалла аҳлига эҳтиром кўрсатилди. Болажонларга эса велосипедлар совға қилинди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган сурат.

ҚУРИЛАЁТГАН БИНО- ИНШООТЛАРГА ҚАРАНГ, ШУ ЭМАСМИ, ЯНГИ ДАВР НАФАСИ?!

"БУНЁДКОР ФАРҒОНА" ҲАР ЙИЛИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА КАТТА ЮТУҚЛАР, МУНОСИБ ТУЁНАЛАР БИЛАН КЕЛАДИ. БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА АНДОЗАЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛАШГАН ҲОЛДА ҚАД РОСТЛАЁТГАН БИНО-ИНШООТЛАР ВИЛОЯТ КўРКИГА ЯНАДА КўРК БАХШ ЭТМОҚДА.

"Бағдод тажрибаси" асосида "Янги Ўзбекистон" мас-сивлари бунёд этилаётгани, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", инвестиция дастурлари, шаҳар-туманлар бош режалари, давлат-хусусий шерикчилик лойиҳалари доирасида ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари Фарғонага янги давр нафаси кириб келганини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Фидойилик, ватанпарварлик эътироф этилди

Татьяна опа — умрини санъат ва маданият орқали халққа хизмат қилишга бағишлаган фидойи инсонлардан бири. У табиатан азии қатъий, юксак фазилатли, жонқуяр қалб соҳибасидир. Зиммасига юклатилган вазифани виждонан бажаради, кўп йиллардан буён эгаллаб турган лавозимини шараф эмас, масъулият деб билади. Изланиш, янгиликка интилиш, замон билан ҳамнафас ишлаш кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Вилоят ахли уни ташаббускор маданият ходими, фаол маънавият тарғиботчиси сифатида ҳам яхши танийди.

(Давоми 2-бетда).



МУКОФОТЛАР
МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Юксак эътирофга сазовор бўлганлар сафида вилотимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор:

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙИ” **ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**
Шералиева Татьяна Тургуновна —
Фарғона вилояти инновацион маданият маркази директори

“МЕХНАТ ШУХРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН
Тожиев Килич Мусажонович —
Олтиариқ туманидаги 14-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, хонанда

“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН
Ақбаров Абдулла Махсуталиевич —
Марғилон шаҳар мусиқали маком театри артисти, бадий сўз устаси
Махкамов Тохир Тургунович —
“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси Фарғона вилояти бўлими хонандаси
Усмонов Ахроржон Холматович —
Ўзбекистон давлат филармонияси хонандаси

II ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН
Суяркулов Шерали Рустамбекович —
Фарғона давлат университетининг “Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ва доривор ўсимликлар” кафедраси катта ўқитувчиси

“КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ” МЕДАЛИ БИЛАН
Элмуродзода Улуғбек Ахмадхон ўғли —
Марғилон шаҳар мусиқали маком театри олий тои-фали артист-макмочиси

“ШУХРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН
Умаров Мирзаноус Джуроевич —
Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймаkori
Ҳамдамова Одинахон Араббой кизи —
Пара велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги алоҳида хизматлари учун Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати отряди патруль-пост хизмати инспектори **Сиддиқова Моҳигул Махмудовна “Жасорат” медали** билан тақдирланди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мукофотландилар. Жумладан,

“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН
Исмоилов Хабибидин —
Фарғона туманидаги деҳқон хўжалиги боғбони

“СОҒЛОМ ТУРМУШ” МЕДАЛИ БИЛАН
Тулабаев Мирзаали Эркабаевич —
Қўқон шахри нуронийлар жароматчилик кенгаши спорт тарғиботчиси

“ЖАСОРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН
Орипова Зухрахон Аъзамовна —
Олтиариқ туманидаги шахсий томорқа ер эгаси

“ШУХРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН
Матисасома Мелибу (100 ёшдан ошган) —
Бувайда тумани
Алиева Нодирахон Иброхимовна —
Риштон туманидаги “Агроном Алиев” фермер хўжалиги бошлиғи
Ғозиев Нурматжон Нўзмонжонович —
Бағдод тумани “Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси
Обидов Воҳид Тўхтасинович —
Ёзёвон туманидаги “Мезон” фермер хўжалиги бошлиғи
Сайидмусаев
Сайидбахром Сайидбурхонович —
Сўх тумани ҳокими
Самақова Мастурахон Эргашевна —
Ўзбекистон туманидаги “Ййпан агропилла” масъулияти чекланган жамияти бош агрономи тақдирланди.

Farg'ona haqiqati

ФАРҒОНАНИНГ
ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда).

Биргина жорий йилнинг ўзида вилоятимизга ўтган йилгига қараганда 2 баробар кўп, яъни 3,7 миллиард АҚШ долларини миқдорида хорижий инвестиция киритилди. Бунинг ҳисобига 1,5 миллиард долларлик маҳсулот экспортга чиқарилади, 44 мингга яқин доимий янги иш ўринлари яратилади.

Ўтган йилда умумий қиймати 1,8 миллиард доллар тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ўзлаштирилиб, 35 та йирик ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Кейинги йилларда вилоятимизда саноат корхоналари сони 2,8 баробарга кўпайиб, 13 мингтага етганлиги иқтисодиётимизнинг тез суъратларда ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида 1182 та лойиҳа ишга туширилди. Илп-кавала, тикув-трикотаж, кимё, ДСП, МДФ плиталар, ойна ва ундан ясалган буюмлар, электро-техника, чарм, фармацевтика соҳалари кенгайиб бормоқда. Бултур экспорт географияси 22 та давлатга кўпайганини айтиб ўтиш ўринли. Миср, Жанубий Африка Республикаси, Марокаш, Перу, Коста-Рика, Колумбия, Канада, Англия, Сербия, Словакия, Аргентина, Иордания, Қувайт, Франция, Монголия сингари давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Маҳсулотлар экспорти Италия, Япония, Испания ва Саудия Арабистонига тўрт баробар, Бирлашган Араб Амириклари, Тунис ва Туркияга уч бараварга кўпайди.

Маҳаллий хом ашёлардан қўшилган қиймат занжирини яратиш асосий вазифаларимиздан биридир. Шу мақсадда ўтган йили 462 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларда яратилган қувватлар қўшилиши натижасида 332 миллион АҚШ долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилиниб, аввалги йилларга қараганда 1,5 баробар ўсишга эришилди.

Қўқон шаҳрида “Фарғона – водий гавҳари. Инвестициялар ва туризм истиқболлари” мавзусида биринчи форум ўтказилди. Анжуман доирасида 223,3 миллион АҚШ долларлик 25 та инвестициявий келишув ва савдо битимлари имзоланди. “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси Қувасой шаҳрида 210 гектарга кенгайди. Бу ерда 1 миллиард долларлик 200 га яқин янги

лойиҳа амалга оширилиши натижасида 11,8 мингта иш ўрни яратилади.

Аграр соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кейинги уч йилда 25 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, очиқ электрон аукцион орқали аҳолига берилди. Натижада 110 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, 220 мингдан зиёд доимий иш ўрни яратилди.

“Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида 2-3 марта ҳосил олиш ҳисобига 41 минг гектар томорқада 1,4 миллион тонна маҳсулот тайёрланди. Аҳоли хонадонларидаги 56 мингта иссиқхонанинг 11 мингтасида лимон, 45 мингтасида сазбавот маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Россиянинг “Семена Ставрополья” компанияси билан ҳамкорликда Ёзёвон туманида 10 гектар майдонда ғалланинг 56 хил нави экилиб, синов-тажриба даласи ташкил этилди. Жойларда 100 центнерга етказиб дон олаётган деҳқонлар кўпайиб бормоқда.

Шу кунга қадар 707 та юқори ўнумли хайдов, лазер текислагич, чигит экиш сеялкаси, чопиқ тракторлари ва культиваторлар, дон ўриш ва пахта териш машиналари сотиб олинган.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш уларнинг ҳаёт сифати даражасининг ўсишига олиб келади. Вилоятимиз аҳолиси ҳар йили ўртача 90 минг нафарга кўпаймоқда. Бу эса қўшимча 4 минг хонадонли уй-жой, 40 та мактаб, 100 та боғча, 20 та шифохона ҳамда 50 мингта иш ўрнига эҳтиёж борлигини кўрсатади. Ана шунн ҳисобга олиб, кўп қаватли турар жойлар қурилиши, вилотй маркази, туман ва шаҳарларда “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этиш ишлари шиддат билан олиб борилмоқда. Фарғона шахрининг ўзига хос тисмолига айланган Экошаҳар – “Янги Ўзбекистон” массиви ноёб ва мукаммал ёндашув асосида қуриб битказилди.

Вилоятимиз маҳаллаларида аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, камбағалликни қисқартириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили тижорат банклари билан ҳамкорликда 80 минг аҳоли бандлиги таъминланди. Шунингдек, 6438 та эҳтиёжманд оила танлаб олиниб, уларга 103 миллиард сўмлик молиявий па-

кет етказиб берилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 7096 та камбағал оилга 1430 нафар раҳбар бириктирилиб, ҳар бир оила бўйича алоҳида режа асосида ишлар йўлга қўйилди. “Маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш тизими асосида маҳаллаларни аниқ бир йўналишга ихтисослаштириш чоралари кўрилди. Бунинг натижасида маҳаллаларнинг 247 таси саноат, 456 таси деҳқончилик, томорқачилик, қўчатчилик ва гўлчилик, 204 таси боғдорчилик ва узумчилик, 153 таси хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослаштирилди. Шу тариқа ҳозирча вилоятдаги 362 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди.

Жорий йил охирига қадар қарийб 409 минг аҳоли бандлигини таъминлаш орқали 152 мингдан ортиқ оилани камбағалликдан чиқариш, камбағаллик даражасини 4,8 фоизга тушириш ҳаракатидамиз. Бу мамлакатимизда “Эл азиз, инсон азиз” тамойилининг амалдаги ифодасидир.

Вилоятимизда 50 минг гектар мевали боғлар мавжуд. Сўнгги бир йилда самарасиз боғлар ўрнида 4,6 минг гектар интенсив боғлар ташкил этилди. Кейинги уч йилда вилоятда 45 миллион туپ қўчат ва буталар экилиб, яшиллик даражаси 38 фоиздан ошди. Яшил табиат масканлари барпо қилиш ишлари давом этмоқда.

“Каркидон” сув омбори атрофида минглаб гектар ер майдонларига 300 минг туздан ортиқ манзарали дарахт қўчатлари экиш, боғ яратиш юмушлари давом этмоқда. 48 гектар майдонда “Сокин ҳудуд” дам олиш маскани, 30 гектар майдонда агротуризм комплекси, 12 гектар майдонда гуллар боғи, меҳмонхона, ресторан, эко бозор, сув спорти объектлари, аттракционлар, пляж зонаси ва пирс йўналишларини қамраб олган истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси халқимиз, фарзандларимиз бахт-саодати йўлидаги хайрли ишлар сирасига қиради. Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришишдир. Ишончим комилки, Фарғона аҳли мустақиллигимизнинг 34 йиллиги нишонланадиган жорий йилда барча соҳаларда кўзлаган режа-мақсадларини ёрғу юз билан адо этадилар, вилоятимизнинг зафарли солномаси бардавом бўлади.

ТАРАҚҚИЁТ
ОДИМЛАРИ
РАҚАМЛАРДА

Дунёнинг энг нуфузли “S&P global rating” (АҚШ) халқаро рейтинг агентлиги Фарғона вилоятининг инвестициявий жозибadorлигини таҳлил қилиб, мустаҳкам молиявий индикаторлари ва юқори иқтисодий салоҳияти учун “В+”, яъни “барқарор” даражасидаги кредит рейтингига эга деб топди. Бу рейтинг дунёда иқтисодий ҳолати барқарор ва молиявий жиҳатдан карздорлиги бўлмаган ҳамда соғлом инвестицион муҳитга эга ҳудудларга берилади.

Вилоятимиз тадбиркорлари саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларга сафарга юборилмоқда. Улар тажриба алмашиш жараёнида ҳамкорликни ҳам йўлга қўймоқдалар. Мазкур ишлар доирасида имзоланган ҳужжатлар асосида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Ҳозир 5,2 миллиард АҚШ долларлик 158 та лойиҳани амалга ошириш ишлари олиб бoриляпти.

Корея Республикаси ишбилармонлари билан умумий қиймати 219 миллион АҚШ долларлик 12 та лойиҳа бўйича манзилли келишувга эришилди. Кореянинг Чўнгчон-намдо провинциясида “Фарғона савдо уйи” ташкил этилди.

Германиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда “Teamdress holding GmbH” масъулияти чекланган жамияти хусусий корхонасида қиймати 3,2 миллион АҚШ долларлик хорижий инвестиция ҳисобига махсус кийим-бош ишлаб чиқариш лойиҳаси йўлга қўйилди, 200 та янги иш ўрни яратилди.

Россиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда “Ferghana spinning” МЧЖ қўшма корхонасида газлама-мато ишлаб чиқариш бўйича 10,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа ишга туширилди.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда Жаҳон банки маблағларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши режалаштирилаётган 28 та истиқболли лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Унинг умумий қиймати 34 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Данғаратуманида “Qashqarpo” lat “metal” МЧЖда хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда гайка ва болт, Учкўприк туманидаги “En Xin” хорижий корхонасида керамик (кафель) плиталар ишлаб чиқариш масаласида самарали иш олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида 500 киши ишли бўлади. Шу йўналишларда вилоятимизда 95 та янги корхона ташкил этилиб, 10 турдан ортиқ импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорти йўлга қўйилади.

Вилоятда “Қўқон технопарки” ташкил этилмоқда. Технопаркка ажратилган 230 гектар ерда дастлабки bosқичда 1,5 миллиард АҚШ долларлик лойиҳаларни бошлаш ва 5 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш режа қилинган. Туман ва шаҳарлардаги 1210 гектар ер майдонида махсус саноат зоналари ташкил этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Уч-тўрт йил олдин пахтани ип-кавалага айлантириш 100 фоизни ташкил этган бўлса-да, илдан кейинги bosқич 5 фоиздан ошмаган. Жорий йил якуни билан вилоятимизда мато ишлаб чиқариш 127 фоиз, бўяш 29 фоиз ва тайёр махсулот ишлаб чиқариш 39 фоизга етади.

Олтиариқ туманидаги “IхIos ASB” МЧЖ томонидан юртимиз boғларида етиштирилган 10 турдан ортиқ сархил мевалар табиийлигини сақлаган ҳолда қуритилиб, МДХ давлатларига экспорт қилинмоқда.

ҚУРИЛАЁТГАН БИНО-ИНШООТЛАРГА ҚАРАНГ, ШУ ЭМАСМИ, ЯНГИ ДАВР НАФАСИ?!



(Бошланиши 1-бетда).

Айни кунларда қўли гул бунёдкорларнинг шаштлари баланд. Улар истиқлол байрами арафасида қуриб битказилиши режалаштирилган объектларни бирин-кетин фойдаланишга топширмоқдалар.

Маълумотларга кўра, вилоят бўйича лойиҳа қиймати 3 045 431 миллион сўм бўлган 158 та бино-иншоотлар Мустақиллик байрамига тўёна қилинади. Булар кўп қаватли турар жой бинолари, ижтимоий соҳалар, давлат, кичик бизнес ва



тадбиркорлик объектларидир. Жумладан, 68 та марказ фуқароларга хизмат кўрсатишни ва 25 та саноат корхонаси маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошлайди. Энг асосийси, янги қурилиш майдонларида 4 976 та иш ўринлари яратилмоқда.

Қурилиш соҳасида ҳам катта эътибор таълим-тарбия муассасаларига қаратилган. Булар касб-хунар марказлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотларининг янги ўқув, спорт зали ва ошхоналарини бунёд этиш, мавжудларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, тоза



ичимлик суви ва иссиқлик таъминотини яхшилаш каби бунёдкорлик ишларидир.

Қувасой шахри қурувчилари энг улуг, энг азиз байрамга совға сифатида 20 та иншоотни туҳфа этиптилар. Жумладан, шу кунларда 20-сонли мактаб спорт зали, “Ташаббусли бюджет” дастури асосида мукаммал таъмирланган 1 ва 18-сонли мактаб-бинолари, “Боғбон” маҳалла фуқаролар йиғинида “Beatiful evest” МЧЖ томонидан хусусий мактабгача таълим ташкилоти фойдаланиши топширилади, 4 та саноат корхо-



наси – “Pharm a-cross 777” МЧЖ фармацевтика, “Venus elit nekstile” МЧЖ трикотаж, “Marwin fruitline” МЧЖ ҚҚ қўюлтирилган шарбат, “Crown ceramic” МЧЖ керамогранит маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлайди. Сўфон ва Янгиобод маҳаллалари ҳудудларида эса иккита 1000 тонна-ли музлаткичли камералар мажмуалари дастлабки маҳсулотларни қабул қилади. “Қувасой парранда фазйз” фермер хўжалиги томонидан паррандачилик лойиҳаси ишга туширилади. Бу объектларда 930 та янги иш ўрни яратилди.



Шунингдек, улуг айём арафасида Фарғона шахри, Ўзбекистон, Ёзёвон туманларида 13 тадан, Қўштепа, Риштон туманларида 11 тадан, Уч-кўприк туманида 9 та, Тошлоқ туманида 8 та бино-иншоотлар қуриб битказилади. Қолган шаҳар-туманларда ҳам ўнлаб мустақиллик объектлари байрамга совға қилинмоқда.

Фарғона шахрида 8, 9, 12, 14 қаватли уйлارнинг қалитлари 354 оилга тантанали топширилиши, шўҳасиз, юртдошларимиз қалбига байрам кайфиятини олиб қиради.



Шундай уй тўйлари бошқа шаҳар ва туманларда ҳам ўтказилади.

Албатта, бунёд этилаётган янги-янги турар жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, йўл ва коммуникация тармоқлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари, тиббиёт мажмуалари, спорт масканлари, савдо, хизмат кўрсатиш мажмуалари вилоятимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, ҳаётимизнинг янада обод, фаровон, файзли бўлишига хизмат қилади.

Рустам ОРИПОВ.

ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК



Шукур, шу кунларга етказди Оллох,
Бошимизда бўлиб соянон, панох,
Тилларга шу сўзлар келади ногоҳ,
Ватаним, ўттиз тўрт ёшинг муборак.

Бугун сен ободсан, тинч-у фаровон,
Шаҳду, шиддат ила оқар таңда қон.
Сени авайлаймиз ҳар доим ишон,
Ватаним, ўттиз тўрт ёшинг муборак.

Қонли урушларда тўққанинча ёш,
Неча ёв зарбига беролдинг бардош.
Теграгда нур сочар музаффар қуёш,
Ватаним, ўттиз тўрт ёшинг муборак.

Озодликни истаб ўтди қанча жон,
Тўмарис, Широғу, Қодирий, Чўлпон,
Уларнинг руҳлари қалбларда ҳамон,
Ватаним, ўттиз тўрт ёшинг муборак.

Бизлар мустақилмиз, етуқ, баркамол,
Биз учун порлоқдир келажак, иқбол,
Кўксингда барқ уриб турар истиқлол,
Ватаним, ўттиз тўрт ёшинг муборак.

Дарғоҳинг муқаддас, азиз, бепоеъ,
Қошингда биздайин фарзандлар қалқон.
Сенга таҳсин ўқир бутун бир жаҳон,
Ватаним, ўттиз тўрт ёшинг муборак.

Юртим сенга чексиз зафарлар тилай,
Номинг оқламоқни бурчим деб билай,
Тўйингни ғурурла тантана қилай,
Ватаним, ўттиз тўрт ёшинг муборак.

Оллох айирмасин ризқ-у рўзингдан,
Халқини, кўнглинг тўйсин қолар изингдан,
Бу табрик баркамол ўғил-қизингдан,
Ватаним, ўттиз тўрт ёшинг муборак.

Гулноза БОКИЕВА,
Фарғона шаҳар "Регистон"
хусусий мактаби она тили фани
ўқитувчиси.

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ҲАР ЖАБҲАДА УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДА. МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФАТ СОҲАСИДА ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК ҒОЯЛАРИ СИНГДИРИЛГАН БАДИИЙ АСАРЛАР, РАНГТАСВИР ПАННОЛАР, МАТБУОТДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ СИНГДИРИЛГАН ПУБЛИЦИСТИК ЧИКИШЛАР ЯНГИЧА ҚИЁФА КАС ЭТДИ. АЙНИҚСА, “ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН” ШИОРИ ОСТИДА ЎТАЁТГАН МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 34 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ЖАМИЯТГА КЎТАРИНКИ РУҲ БАХШ ЭТДИ.

Ф

арғонада байрам тантаналари доирасида анъанавий “Энг улуг, энг азиз” ижодий танлови ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди. Бу йил 54 нафар муаллифнинг 200 га яқин ижодий ишлари ҳайъатга тақдим этилди.



Дил изҳорлари



БИЗНИ ТАРИХ, МАДАНИЯТ, ТИЛ, УМУМИЙ ТАҚДИР БИРЛАШТИРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КҮН НАФАҚАТ ЎЗБЕК ХАЛҚИ, БАЛКИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ УЧУН ҲАМ БУЮК АЙЁМ – ЭРКИНЛИК ВА МИЛЛИЙ УЗЛИК ТИМСОЛИДИР.

Президентларимиз – Садир Жапаров ва Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Қирғизистон – Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик даражасига етди. Манфаатли алоқалар сиёсий ёки иқтисодиёт тармоқларидан ташқари, маданий-маърифий соҳаларда ҳам кучайди.

Ўзбекистон – минтақа ривожини учун ташаббускор давлатга айланди. Қардош халқнинг ютуқларини биргаликда нишонлашдан фахрланамиз. Қўшнилик фақат географик жиҳатдан эмас, балки қалбларимиз яқинлигида ҳам яқол кўзга ташланади. Бизни тарих, маданият, тил ва, энг муҳими, умумий тақдир бирлаштиради.

Азиз ўзбекистонлик ҳамкасблар! Сизларни миллий мустақиллик байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Адылбек АКМАТОВ,
Қирғизистон Республикаси, "Баткен таңы" газетаси бош муҳаррири.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИМИЗДА ҲУРМАТ ВА ИШОНЧ УСТУВОР

ҚАРДОШ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА САМИМИЙ ТАБРИГИМ-НИ ЙЎЛЛАР ЭКАНМАН, ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАМОҚ-ЧИМАНКИ, СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТИНГИЗ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ОЧИҚ ВА ДЎСТОНА ТАШКИ СИЁСАТ ТУФАЙЛИ ТОЖИКИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ. БУ МУНОСАБАТЛАРДА ҲУРМАТ, ТЕНГЛИК ВА ЎЗАРО ИШОНЧ УСТУВОР ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА.



Ўзбекистон мустақиллиги — нафақат мамлакатнинг суверен ривожланиш йўли, балки бутун минтақа халқлари учун барқарорлик ва тараққиётнинг пойдевори ҳисобланади.

Кейинги йилларда савдо, транспорт, туризм ва маданий алмашинув фаоллашди. Фарғона ва Сўғд вилоятлари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиши, фуқароларимизнинг ўзаро ишонч ва

дўстона муносабатларининг мустаҳкамланиши бунинг яққол далилидир.

Мустақил ва тинчликсевар ўзбек халқининг байроғи ҳамisha юксакларда ҳилпираб турсин!

Облоқул МУСОЕВ,
Тожикистон Республикаси,
“Ҳақиқати Сўғд” газетаси бош муҳаррири.



АЗАЛДАН ЯҚИН ДЎСТ, ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНИГА ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛ БЎЛДИ. ТАРИХАН ҚИСКА ДАВРДА МАМЛАКАТ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗИГА ХОС ЎРИН ЭГАЛЛАДИ.

Туркия ва Ўзбекистон азалдан тарихий ва маданий жиҳатдан яқин дўст, ишончли стратегик ҳамкор ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон туркиялик инвесторлар энг кўп сармоя киритаётган давлатлардан биридир. Бу, аввало, мамлакатда яратилган қулай бизнес муҳити, ҳукумат томонидан олиб борилаётган очик иқтисодий сиёсат самарасидир. Тошкентдан то Фарғона водийсигача бўлган ҳудудларда юртимиз тадбиркорлари ўз лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон ва Туркия оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳам медиа соҳасидаги ҳамкорлик фаоллашди. Ўзбекистонлик журналистлар билан ўтказилаётган конференциялар, медиа форумлар, газеталарнинг қўшма сонларини чоп этиш тили ва дини бир икки халқни янада бирлаштирмоқда.

Мустақиллигиниз абадий бўлсин, қондош ва дилдош дўстларим!

Намик ГЎЗ,
Туркия давлати, “Bursa hakimiyeti” газетаси бош муҳаррири.

Ҳарбий хизматчиларга ХОНАДОНЛАР ТОПШИРИЛДИ




Сўнгги беш йилда Фарғона вилоятида ҳарбий хизматчиларга 540 та уй-жой қуриб берилди. Ўзбекистон Президентининг 2025 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартiriш ва қўшимча қилиш тўғрисида”ги қарорига кўра, ўн йилдан ортиқ ҳарбий хизматни ўтаганларга турар жой сотиб олишда тўлаб бериладиган дастлабки бадал 25 фоиздан 35 фоизга кўпайтирилди.

Ўз мухбиримиз.

Дунёда она битта, Ватан ягона

Мамлакатимиз ҳаётидаги оламшумул воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига 34 йил тўлди. Бу кимлар учун қисқа муддатдир, лекин унинг ҳар дақиқасида юртимизда бунёдкорлик, янгилашчи, соҳалар бўйлаб ўсиш кузатилди, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиб, барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлди. Демакки, халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди, миллатнинг ғурури, ор-номуси, шаъни тикланди.



Дунёда она битта, Ватан ягона. Бу тушунча ҳеч қачон ўзгармайди ҳам. Бу сўзлар қанчалик тақдор айтиласин, ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди. Иккиси ҳам ягона, дилга жо бўлган қайтарилмас дурдонаки, Ватанинг энг суюкли зот таърифи билан ёфода этамиз.

“Ватан қадрини ватангадолардан сўранг” ёки “Ўзга юртга шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”, деганлари ҳам бежизга эмас. Ҳинд сари юзланган шох ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “... бу не юз қаролиғ бўлди” дея афсус-надоматлар чекканини тарихдан яқин биламиз. Биз Ватанинг бир қафтига тупроғини ширин жондан азиз кўрган, жасоратда, садоқатда, илму урфдонда буюк бўлган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби буюк аждодларимизнинг

авлодларимиз. Аждодларимиз орузси бўлган эмин-эркин ҳаётда бахтли даврон суриш бахти асрлар оша бизларга насиб этди. Юртимиздаги тинчлик, оқоилиятлик, тўқин-сочин ҳаёт, шодиёна кунларни қадрига етишимиз, асраб-авайлашчимиз лозим. Мана шундай қуёшли кунлар, ёруғ ва нурафшон истиқлол одимлари бизни тобора юксакликка, ривожланишга чорламақда. Атрофда боқиб дилимиз қувнайди. Ободликни қаранг, яшариш, янгилашни шод этади кўнгиллари. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг назари тушган жаннатмакон элимизда оқоилият ва бахтли ҳаёт ҳукмрон.

Баъзан телевизор орқали айрим мамлакатлардаги нотинч ҳаёт ҳақида эшитганимизда кўнгилимиз бўзилади. Инсонга бу ҳаётда бойлиқдан ҳам афзал тинчлик, соғлиқ керак. Бироқ ўз юртидаги тўс-тўполонлар сабаб тин-

чини йўқотган аҳолининг кўз ёшини кўрганда диллар ранжийди. Шунда тинч ва оқоилият ватанда яйраб яшаётганимиз учун яна бир бор шукрона келтирамиз. Тунлари ҳам кундуздай гавжум ҳаёт ҳукмрон юртада ўз турмушидан мамун халқимиз дилидаги шукроналар тилларга кўчади.

Тўн чўққанига қарамай, Фарғона кўчаларида одамлар гавжум. Ой нури ва бир-биридан гўзал чироқлар билан тўла хиёбонларда тинчлик ва оқоилиятликдан мамнун юртдошларимизни, айниқса, қувончдан қийираётган болажонларни кўриб руҳланамиз. Фавворалардан отилаётган ҳаёт ирмоқлари турли рангларда ва турли шакллarga кириб кўкка отилади ва юртдошларимизга ҳушнудлик улашади. Дуоғўйларимиз гўзал тилақларини тилга чиқарадилар, юртга тинчлик, халқимизга соғлиқ-омонлик сўрашади. Она замин бағридаги бахтли

БАЙРАМДАН БАЙРАМГАЧА...

Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган ёзи Паралимпия уйинларининг найза улоқтириш баҳсларида Қўштапа туманилик Ёркинбек Одилов 50,32 метр натижани қайд этиб, олтин медалини қўлга киритди. Токио Паралимпияси чемпиони Моҳигул Ҳамдамова 32,75 натижа билан учинчи ўринни эгаллади.

Марғилон шаҳрида олтинчи бор халқаро анъанавий тўқимачилик фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг кўплаб давлатларидан моҳир ҳунармандлар, соҳа мутахассислари, дизайнерлар иштирок этди. Фестиваль доирасида тренинг, конференция, қишлоқ ҳўжалик махсусотлари кўргазмаси, ош тайёрлаш мусобақаси ташкил этилди, маданий-кўнгилочар тадбирлар, миллий ўйинлар намойиш этилди, жаҳон халқлари қуй-қўшиқлари янгради.

Вилоят театр-концерт саройида Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Ҳасанов номдаги ёш ижроқилар республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Навоий вилоятдан таширф бююрган Шерзод Мардонов танлов ғолиби бўлди.

Ўзбек адабиётига йирик сиймоларни етиштириб берган Фарғонада адабиёт байрами бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари Қўқонда йиғилиб, Жаҳон отин Увайсий, Ҳамза Ҳакимзода Нибзий ижоди тараннум этилди. Вилоятимизнинг бир қатор адиблари юбилей тантаналари ташкил этилди.

Ўтган йил 27 октябрь куни мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Вилоятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлиги учун 8 та ўринга можаритар тарзда, шунингдек, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутатлигига 60 нафар, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига эса 480 нафар депутат сайланди.

Фарғона шаҳрида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Абдуҳасим Исмоилов ижодида бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Уч кун давомида 150 нафардан зиёд истеъдод соҳиблари Абдуҳасим Исмоилов томонидан басталанган ва ижро этилган асарларни жонли овозда куйладилар.

Таиландда паравелоспорт шоссе йўналиши бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ёзёвонлик Азизахон Қосимова ўз тоифасининг яққалик ва жуфтлик йўналишларида олтин медалларни қўлга киритиб, Осиё чемпиони бўлди.

“Фарғона ҳақиқати” – “Баткен тоғи” – “Ҳақиқати Сўғд” газеталарининг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари раҳбарларининг Ҳўжандада ўтган тарихий учрашувига бағишланган қўшма сони чоп этилди.

Вилоятимизда ташкил этилган “Халқаро китобхонлик фестивали” ҳамда “Central Asia – 2025: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” мавзусидаги халқаро конференция нафақат мамлакатимиз, балки дунё маънавий ҳаётида катта воқеага айланади.

“Фарғона ҳақиқати” ва “Bursa Hakimiyet” газеталарининг қўшма сони ўзбек ва турк тилларида чоп этилди. Шунингдек, “Фарғона ҳақиқати” газетасининг 25000-сони ўқувчилар қўлига етиб борди.

лаҳзалар, шодиёна-ю, шукронага тўла кунлар асли ғанимат. Бу дақиқаларни асрамоқ, авайламоқ лозим. Қалбда инсонийлик фазилатлари жўш ураётган, элим, юртим, деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон мана шу улуғвор мақсад билан яшайди. Тинчликни эъзозлаш, тараққиётга муносиб ҳисса қўиш эса барчамизнинг бурчимиздир. Бу эса бугун юртдошларимизнинг эзгу орузсига айланган.

Бейхитёр обод ва озод диёрнинг фарзанди эканимдан қувонаман, фахрланаман, бошимни тик тутаман. Ички ғурур, ҳаяжон билан доларга қоришаман.

Кезиб қанча пойтахт қўчаларини, Юрагимга юпанча, малҳам топладим. Мунисам, онанинг юрагидай кенг, Улканроқ Ватанин топладим, дея сатрлар биттанда шоира Озода Тўрақулова қалбда ҳам туғилган азиз гўшаси, она Ватанига нисбатан ана шундай эзгу кечинмалар туғён урган бўлса ажабмас. Ватандан толган бахт – бу энг азиз ва буюк бахт бўлиб қолаверади...

Бахтихон ҚУРБОНОВА,
Фарғона давлат университети
магистратура бўлими бошлиғи,
педагогика фанлари доктори,
профессор.

Фарғона шаҳар, “Ёшлар” МФЙ, Турон кўчаси, 26/1-уйда жойлашган “Labbay taomlari” МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар, Гулирайхон кўчаси, 21-уйда жойлашган “Farg'ona qurulish ko'rti” МЧЖга тегишли бўлган тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БИНОЛАРДА БОШЛАНАДИ

Таълим сифати ва самарадорлиги ўқитиш шариитига ҳам боғлиқ. Қўқон шаҳридаги мактаб ўқувчилари мамлакат фан олимпиадаларида тобора кўпроқ ютуқларни қўлга киритишмоқда. Унинг битирувчилари эса олий ўқув юрти талабаси бўлиш даражаси бўйича вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришяпти. Албатта, бунда устоз-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, масъулияти муҳим аҳамиятга эга. Аммо бүгун Қўқон шаҳридаги мактаб бинолари, синф хоналари ўқув жиҳозларини кўрсангиз, таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар замирида янги қурилган, қайта таъмирланган бинолар, ўқув ва машғулот хоналарининг ҳам ўрни катта эканини англайсиз. Улардан бири — 27-умумтаълим мактаби.



— Юртбошимизнинг Фарғона вилоятига ташрифларидан сўнг мактабимизнинг мукамал таъмирланишига 8,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Эшик-деразалар алмаштирилди. Ташки деворларга иссиқликни сакловчи базальт қопламди, — дейди мактаб директори Феруза Тўхтабосева.

Шу кунларда ўқув йили бошланишига ҳозирлик қилинмоқда. Хар бир синф ўқувчи ёши, қизиқишига қараб безатилган. Барча қўлайликлардан ташқари алоҳида бассейн ҳам қурилган.

— Бу мавзуда гапирилмади. Аммо ҳар бир қават ва бўлинмага болалар санузел-туалетлари қилинди, — дейди 44-мактаб директори Гулноза Ярашева. — Аслида бу долзарб муаммо. Қишнинг қировли кунлари ҳам ўқувчилар энди бино ичидан чиқишмайди. Ошхона, спорт зали, бошқа кабинетлар ичкарида. Биз бундай шaroитга жавобан мамлакат ёшларини етук инсонлар қилиб тарбиялашга тайёриймиз.

Қўқондаги янги мактаб бинолари бирин-кетин қад ростлаётган. Қолаверса, бошқа туманлардан шаҳарни кенгайтириш эвазига қўшиб берилган ҳудудларда иш қизиган. Ашурқулмерган маҳалласида энгиз йил аввал бир кичик бино мактабга мослаштирилган эди. Унга атиги 200 нафар бола аранг сифдрилган. Ҳатто томидан чакка ўтар, деворлар ёрилиб кетган, парталар яроқсиз ҳолатга келган. Мактаб эски биносини бузиб ташлаб, ўрнига уч қаватли замонавий бино қурилди.

Маҳалла аҳли, ота-оналар ва ёшларнинг азалий орзулари янги мактаб биноси қурилиши билан рўёбга чиқди, дейиш мумкин.

— Бу ернинг ўқувчилари 50 йилдирки, спорт зални орзу қилганлар. Ошхона йўқ эди. Мана энди спорт зали ҳам, ошхона ҳам бор. Юртбошимиз бизга шундай бинонинг қурилишига ёрдам берди, биз энди энг билимли ёшларни тарбиялашга бор кучимизни сарфлаймиз, — дейди Гулноза Ярашева.

Янги ўқув йили арафасида ота-оналар, бувижонлар келиб, мактабни қўриб кетишмоқда.

— 8 нафар набирам бор. Шундан тўрт нафари ўқувчи. Уларнинг икки нафари қўшни маҳалладаги 46-мактабда ўқишарди, — дейди Манзура ая Омонова. — Биз улар ўқишга бориб-кеलगунча хавотирда ўтирганимиз. Мана, маҳалламизда янги мактаб қурилди. Энди барча набираларим шу мактабда ўқийди. Шароитларни қаранг, спорт зали, ошхона, фоллар зали, компьютерлар, ҳатто йўл ҳаракати қондалари хоналариғача бор. Қўриб хурсанд бўлдим. Юртбошимизга раҳмат.

Қўқонликлар давлат ва Президентнинг алоҳида эътиборидан миннатдор эканликларини қайта-қайта таъкидлашди. Чунки, шаҳардаги таълим муассасаларида чиндан ҳам бекиёс ўзгаришлар рўй бермоқда.

— Битта янги мактаб қурилди. Ундан ташқари, инвестиция дастурида учта мактаб биноси тўлиқ реконструкция қилинди. Уларга қўшимча бинолар қурилди, — дейди Қўқон шахар мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбари Иродахон Мирзаева. — Жами 38 та мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида ҳомийли ҳамада давлат инвестиция ташкилотлари дастурлари орқали таъмирлаш ишлари олиб борилди. Муассасаларга янги жиҳозлар: электрон доска, касбга ўргатиш ускуналари олиб келинди.

Бу каби амалий ислохотлар натижасида энди ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида шўғулланиш имкони ҳам яратилди.

— Мактаблар бир навбатли ўқитишга ўтгандан кейин куннинг иккинчи қисмида шу ерда ўқувчиларнинг қизиқиши бўйича 19 турдаги тўғарақларда иш олиб борилмоқда, — дейди Иродахон Мирзаева.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН — ДҲНЕНИНГ АНОР ЕТИШТИРУВЧИ ЕТАКЧИ МАМЛАКАТЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИРИНЧИ АНОРЧИЛИК ХҲЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЧИСИ ВА РАҲБАРИ, ПРОФЕССОР МАСТУРАХОН САЙФИТДИНОВА “АНОР — МЕВАЛАРНИНГ ҚИРОЛИ”, ДЕГАН ЭДИ. БУ ТАЪРИФ УМУМЛАШМА БЉЛИБ, АНОРНИНГ ИНСОН УЧУН НЕ ҚОЛГИ ҚОЙДАЛИ ЭКАНИДАН ТО УНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИГАЧА ҚАМРАБ ОЛГАН. У ҚОННИ СУЮЛТИРАДИ, ЮРАККА ҚУВВАТ БАҒИШЛАЙДИ, ХҲЖАЙРАЛАРНИ ТИКЛАЙДИ ВА ФАОЛЛАШТИРАДИ. ШУ КУНЛАРДА ЭСА ОЛИМЛАР АНОРДАН СИЛ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛОВЧИ ЭНГ САМАРАДОР ДОРИ—ДАРМОН КАШФ ЭТДИЛАР... ХУЛАС, АНОР ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ “МЕВАЛАР ҚИРОЛИ” ДЕГАН НОМНИ БЕЖИЗ ОЛМАГАН.



Ўзбекистон анор етиштирувчи ва экспорт қилувчи дунё мамлакатларидан биридир. Қолаверса, “анор илми” ривожига улкан ҳисса қўшаётган давлат ҳам — Ўзбекистон. Дунёда анорнинг 500 тури маълум бўлса, унинг 250 тури юртимизда яратилган ва етиштириб келинмоқда. “Туя тиши”, “қора дон”, “қаям”, “қизилпўчок”, “нордор анор” каби навлар айниқса машҳур.

Фарғона вилояти эса мамлакат анорчилик мактаби ривожланган ҳудуд. Айнан шунинг учун бу ерда “Анорчилик соҳасини янада ривожлантириш истиқболлари, мавжуд муаммолар ва келгусидаги долзарб вазифалар” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардаги анор етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи, олим ва селекциячилар иштирок этдилар. Мулоқот, ўзаро тажриба алмашув, муаммолар муҳокамаси самимий ҳамда ошқора тарзда ўтди. Хар ким ўз ютуқ ва режаларини ўртоқлашди.

Анорчиликдаги “Фарғона тажрибаси”, аввало, 60Ғ пайкаларида ўрганилди. Ўзбекистон Президентининг Фарғона вилоятига ташрифидан сўнг анорчилик илмга асосланган боғдорчиликка айланди.

— Қуванинг ўзида 2000 гектардан зиёд анорзорлар бор. Ҳозиргача фақат ота-бобларимизнинг тажрибасига асосланиб фалолият олиб борар эдик, — дейди Анор етиштирувчилар уюшмаси раҳбари Мастураҳон Сайфитдинова. — Ҳозир Фарғона давлат университетидаги кафедранинг ўзида 10 дан зиёд тадқиқотчилар анор илми билан шўғулланипти. Экологик тоза, эртапишар, серҳосил ва доллари катта бўладиган анор навларини яратиш устида ишляпмиз.

Сўнгги беш йилда Фарғона вилоятда анор етиштириш ҳажми олти баробарга ўсди. Яъни 2021 йилдаги 10,2 минг тоннадан 63,5 минг тоннага етди.

Анорни саралаш ва қадоклаш, тайёр маҳсулотга айлантириш, концентрат ҳолда қайта ишлаш ва шок музлатиш йўлга

қўйилгач, Қува анорини сотиб олувчи давлатлар қатори кенгайиб, Европагача етиб борди.

Аммо анор етиштиришнинг ўзига хос “сир”лари бор. Майдонларнинг кенлиги, қўчатни шамол йўлига қараб экилиши, қишда совуқдан асрашнинг самарадор усулларини қўллаш, ёзда мевани аномал иссиқдан ҳимоя қилиш чораларини қўриш, янги тезпишар навлар яратиш, техник ва биологик воситалардан фойдаланиш... Борингки, анорчилик катта илм бўлиб, унинг билимдонлари Фарғонада барча масалаларни муҳокама қилдилар.

— Анор мевасини қайта ишлаб, унинг шарбатини олиб сотишни йўлга қўйдик, — дейди Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидан келган анорчи-боғбон Исроиил Незматов. — Австриядан анорни қайта ишлаш технологик линияларини олиб келдик. Қайта ишланган анорнинг пўстлоғи, дони ва бошқа қиқиндиларидан фармацевтика ҳамда озиқ-овқат саноати учун маҳсулотлар ишлаб қикармоқдамиз. Масалан, анорнинг пўстлоғи ва баргидан хушбўй ва шифобахш чой тайёрладик. Шунингдек, анор қиқиндиларидан сирка ҳам оляймиз.

Семинарда Сурхон анорчиларининг тақлиф ва тавсиялари, тажрибаларига ҳам қизиқиб катта бўлди.

— 40 йилдан буён анорчилик билан шўғулланаман. Устозим отам бўлади, — дейди “Расуллов Тожи” МЧЖ раҳбари, шерободлик машҳур анорчи-боғбон Тожи Расулов. — 150 гектар анорзоримиз бор. Ҳаммасида қўчатлар тўлиқ ва ҳаммасида баракали ҳосил бор. Бундан ташқари, қишлоғимизда анор экилган майдонлар 1000 гектарга етди. Анорни яхши парваришласак, иссиқ ва совуқдан асрасак, гектаридан 40 тоннагача ҳосил олиш мумкин. 2024 йилда 400 тонна ҳосил олинди, унинг 200 тоннаси экспортга йўналтирилди.

Тожи ака Расуловнинг фикрича, Ўзбекистонда анорзор боғлар майдонини 500 минг гектарга етказиш мумкин. Бунинг шартлари бор эди, албатта.

— 80 гектар анорзорга томчилатиб суғориш тизимини ўрнатялман. Давлат қўллаб-қувватлади. Умуман, тоғ зоналарида 5-6 минг гектар сувсиз майдонлар бор. Шуларни анорзорга айлантириш ниятимиз бор. Менимча томчилатиб суғориш услубини барча боғбонлар жорий этиши лозим. У дорини тежайди, ерни ўт босмайди, — дейди моҳир боғбон.

Анжуман иштирокчилари “Uz-Segang” Ўзбекистон — Корёя Республикаси қўша корхонасида ҳам бўлдилар. 10,2 миллион АҚШ долларлик лойиха амалга оширилиб, анорни қайта ишлаш тизими яратилди бу корхонада. Экспорт қуввати ва йўналишлари ҳам ҳайратланарли.

— Корхонамиз Жанубий Осиё ва МДҲ давлатларига маҳсулотларини фаол экспорт қилиб келмоқда. 2024 йил якуни бўйича 15 миллион долларлик экспорт амалга оширдик, — дейди “Uz-Segang” раҳбари Хуршид Норматов.

Маҳсулот линияда гўё рентгендан ўтади. Уни ҳажмига қараб саралаб қолмай, ички қисмининг ҳам таҳлил қилади: қанчалар пазанглиги, хашаротдан зарарланганлиги, мазаси, анор донларининг катта-кичиклиги, ҳатто ранги аниқланади. Шу биргина корхона йилига 20 миллион долларлик экспорт қила олади. Шу пайтгача мева етиштирувчидан сотиб олинган бўлса, энди ўзлари ҳам қайта ишловчи, ҳам етиштирувчига айланди.


— Ҳозир Фарғона вилоятида 500 гектар анор ва гилос боғларимиз мавжуд. 2026 йилдан бошлаб ўзимизнинг боғлардаги маҳсулотларни саралаб, қадоклаб экспортни амалга оширамиз, — дейди Хуршид Норматов.

Ҳа, илгари фақат пахта етиштирган ҳалқимиз Президентнинг ташаббуси ва яратиб берган шароитлари тўғайли боғдорчиликда, хусусан, анорчиликда дунёнинг етакчи давлатларидан бирига айланмоқда.

Сарвар ОБИД.

Коррупция жамият тараққиётининг кушандасидир

Давлат ва жамият ривожигадаги ХАВФЛИ ИЛЛАТ



Коррупция шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёҳуд ўзга шахсларнинг манфаатларини қўлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, ҳудди шунингдек, бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш демакдир.

Коррупция ҳақида гапирилганда, атоқли адабимиз Абдулла Қаҳҳорнинг “Сўнгги нусхалар” асарида келтирилган қуйидаги фикрларини есланиш жоиз топдим: “Ҳеч бир жиноятни порахўрликка тенг қўриб бўлмайди. Ўри кечаси йўлнингизни тўсиб чўнтагингизга қўл солади, пулнигизни олади, олади-ю, қочади-кетди. Порахўр куппа-кундуз кўни, яна ҳукумат идорасида ўтириб чўнтагингизга қўл солади, пулнигизни олади-ю қочиб кетмайди, жиноятига сизни ҳам шерик қилади”.

Албатта, хар қандай жамият ёки давлат идеал эмас. Қамчиликлар, ҳаётини ўзгаришлар кўзга ташланиши бор гап. Бироқ биз бу ҳолатга қўникаверсак, эркин демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишда коррупция асосий ғов ва тўсиқлардан бири бўлиб қолавериши эҳтимолдан холи эмас.

Биз жамиятда коррупция авж олганини қачон биламиз?

— Давлат ташкилотларида салоҳиятсиз кадрлар кўпайганидан (бундай ҳолларда қайси соҳа бўлмасин, билимсиз мутахассис бутун жамиятга зарар етказади);

— корхона-ташкилотларда қариндош-уруқчилик авж олганидан (бу салоҳиятли кадр қолиб, ҳеч нарса қўлидан келмайдиган ҳодимнинг ишга олинишига сабаб бўлади);

— ижтимоий соҳалар — фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш тизимининг замондан орқада қолганидан (коррупция бундай вазиятда одамларнинг давлатга бўлган ишончига путур етказилади).

Мамлакатимизда коррупцияга қарши қу-

раишш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланган. 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ҳамда шундан сўнг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Қонуннинг 4-моддасига кўра, коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очкилик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги ҳамда жавобгарлиқнинг муқаррарлигидир.

Қонуннинг 5-моддасида эса коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар: аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлиқнинг муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборатдир.

Қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширишлари назарда тутилган.

Ички ишлар органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири — жамиятда қонунийлик ва адолат тамойилларини таъминлашдир. Бу жараёнда энг катта тўсиқлардан бири — коррупция ҳисобланади. Афсуски, бу иллат турли соҳаларда хануз қузатилиб келинмоқда ва унинг зарарли оқибатлари нафақат иқтисодиётга, балки фуқаролар онги ва давлат органларига бўлган ишончга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ички ишлар бўлими раҳбари сифатида айтишим мумкинки, коррупция жамиятимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига, ўз навбатида, тинчлик-осойишталигимизга салбий таъсир кўрсатаётган энг оғир иллатлардан бири ҳисобланади. У фақат иқтисодий йўқотишларгагина эмас, балки инсонлар онгида адолатга ишончининг сусайишига ҳам сабаб бўлади. Шу боис, бу иллатга қарши курашиш — хар биримиздан қатъият, ватанпарварлик ва ҳалоллиқни талаб қилади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, коррупция қуйидаги оқибатларга олиб келади: давлат органлари фаолияти самарадорлиги пасая-



ди, ижтимоий адолат тамойиллари бузилади, аҳолининг давлат идораларига ишончи сусаяди, яширин иқтисодиёт кенгайди. Бу ҳолатлар хар қандай жамият ривожига жиддий тўсиқдир.

Коррупцияга қарши самарали кураш олиб боришда қуйидаги йўналишлар муҳим аҳамиятга эга: қонун устуворлиги — коррупцияга оид жиноят содир этган шахсларни мансаби ёки мавқеидан қатъи назар, қонуний жавобгарликка тортиш. Шаффофлик — ички ишлар органлари фаолиятида очкилик ва ҳисобдорлиқни таъминлаш, ҳизматларимизни босқичма-босқич электрон қўрнишига ўтказиш. Профилактика ишлари — аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарғибот ишларини қучайтириш, коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантириш. Фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик — нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан очик мулоқотни йўлга қўйиш.

Ички ишлар органлари ҳодимлари доимо халқимиз манфаати йўлида ҳалол ва пок ният билан хизмат қилади. Коррупция-

га қарши кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эмас, балки хар бир фуқаронинг умумий бурчи ва масъулиятидир. Хар биримиз бу иллатга муросасиз муносабатда бўлиб, ҳалоллик ва адолат тамойилларига амал қилсак, юртимизда шаффофлик ва тараққиёт таъминланади.

“Таъмагирилик тошни ёради” деган нақл бежизга айтилмаган. Коррупциянинг хар қандай шакли нохуш оқибатларга олиб келади. Бирор бир мақсадни қўзлаб, унга қинғир йўллар билан эришишга ўрганган киши ҳалоллиқини унутди. Бунинг оқибатида турли жиноятларга қўл уришдан ҳам тоймайди.

Статистик маълумотларга кўра, дунё иқтисодиёти хар йили коррупциядан 2,6 триллион АҚШ доллари миқдорига зарар кўрмоқда. Коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов.

Шу боис, мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш бўйича янги тизим яратилди. Парламент палаталарида масъул кўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва агентлик ташкил қилинди. Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиغان очик тизим, шаффоф муҳит яратилди.

Бугуннинг талаби — коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳодимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозим. Чунки ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган ва ҳуқуқий таълим ва тарбия жиҳатдан етук бўлган инсонлар салбий иллат бўлиш коррупцияга йўл қўймайди.

Расулжон МАХСУДОВ,
Бешарик тумани ИИБ бошлиғи,
подполковник.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди).

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11908.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шахар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.	
			Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14	
			Саҳифаловчи: Алишер Розиков.	
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кўни чиқади. Адади: 2061 нусха.	Баҳоиси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Муаттар Махмудова.	Босингга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.30.